2006 ЙИЛ, 15 МАЙ, ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 91 (10.648)

Баҳоси эркин нархда

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси билан Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ҳамкорликда давра суҳбати ташкил этди. У мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги ҳамда Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги маърузаларида белгиланган Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишларига бағишланди.

● Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ва «Ипотека тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари, мамлакатимиз Давлат бюджетининг 2005 йил ижроси ва 2006 йил 1-чорак якунига доир масалалар муҳокама қилинди.

● Мамлакатимизга ташриф буюрган Араб давлатлари университетлари Иттифоқи Бош котиби Солиҳ Ҳошим Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигида бўлди. Мамлакатимиздаги қатор олий ўқув юртлари ректорлари билан мулоқот чоғида таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик истиқболларига оид масалалар муҳокама этилди.

● Республика Байналмилал маданият марказида тарихчи олимлар, сиёсатшунослар, диншунос мутахассислар, миллий маданий марказлар раҳбарлари ва фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида «Тинчлик ва барқарорлик — жамият фаровонлигининг асосий омили» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Тошкентда «Репродуктив саломатликни сақлашнинг долзарб масалалари» мавзуида анжуман ўтказилди. Унда репродуктив саломатликни сақлашнинг муҳим йўналишларини аниқлаш ва бу борада аҳолининг тиббий маданияти ва билимини ошириш тўғрисида маърузалар тингланди.

● Жиззах туманидаги Ровот қишлоғида 15 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан қишлоқ аҳли яна бир қулайликка эга бўлди — вилоят ва туман марказидан 35 чақирим нарида жойлашган участка шифохонасига «Дамас» русумли тез ёрдам машинаси топширилди.

● Яқинда Сирдарё вилоятининг Бахт шаҳрида Тинчлик боғи бунёд этилди. Янги боғ «Камолот» ЁИҲ ташаббуси билан шаҳар ҳокимлиги ҳамда тадбиркорлар саъй-ҳаракатлари билан қад ростлади.

● Сурхондарё вилоятининг барча туманларида қабул пунктларига пилла топшириш ишлари бошлаб юборилди. 23330 қути қурт уруғи боққан пиллакорлар шартномага кўра, бу йил 1060 тонна қимматли хом ашё етиштирадилар.

### ЖАҲОНДА

● ХАМАС ва ФАТХ ҳаракатлари етакчиларининг фавқулодда йиғилишидан сўнг ҳар икки томон фаластинликлардан қуролсизланишларини сўради. ФАТХ ҳаракати матбуот котиби Ахмед Хеласнинг таъкидлашича, ёнида қурол олиб юрган ҳар бир киши эндиликда қонундан ташқари ҳисобланади.

● АҚШда янги террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш мақсадида мамлакат Президенти Жорж Буш Сенат ва Конгрессдан Майкл Хайден номзодини Марказий разведка бошқармасига директор этиб тасдиқлашларини сўради.

● Ироқ шимолидаги Таль-Афаре бозори атрофида миналаштирилган автомобилнинг портлаши оқибатида камида 17 киши ҳаётдан кўз юмди, 35 нафар киши эса тан жароҳатларини олди. Полициячиларнинг фикрига кўра, ушбу террорчилик ҳаракати ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларига қарши йўналтирилган.

● Мамлакат тарихида илк бор Саудия Арабистони Қироллиги саёҳат қилиш мақсадида келишни ният қилган хорижликларга туристик визаларни беришга қарор қилди. Ушбу қоидаларнинг татбиқ этилиши натижасида Саудия Арабистонига йилига 1,5 миллион турист келиши кутилмоқда.

● АҚШнинг Миннесота штатидаги шифохоналарнинг бирида жуда ноёб жарроҳлик амалиёти муваффақиятли равишда амалга оширилди. 30 жарроҳ иштирокида баданлари бир-бирига ёпишиб кетган беш ойлик эгизаклар ажратиб олинди.

● Ғарбий Сибирда кучли ўрмон ёнғинлари бошланиб, Тюмень ҳудуди сари одимламоқда. Жумладан, шаҳар атрофидаги федерал трассадаги ҳаракат тўхтатилди. Шу атрофлардаги ўрмонларга кириш тақиқланди.

● Франция Ички ишлар вазири Николья Саркази мамлакат Миллий йиғилишига муҳожирлик тўғрисидаги янги қонун лойиҳасини топширди. Ушбу қонун мамлакатга юқори малакали мутахассисларни жалб этишга йўналтирилган. Янги қонунни танқид қилиб сўзга чиққан сўллар бундай йўналиш инсон ҳуқуқларини бузишини таъкидлашди.

# ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

**ХАБАР БЕРИЛГАНИДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 12 МАЙ КУНИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ СОЧИ ШАҲРИДА БЎЛДИ.**

Россия Президентининг «Бочаров ручей» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди. Унда икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Владимир Путин Ўзбекистон раҳбарини Россияга ташрифи билан қутлаб, ўзаро муносабатлар изчил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

— Куни кеча Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги қонунга имзо чекдим, — деди Россия Президенти. — Бу билан ўзаро ҳамкорлигимизнинг сифат жиҳатдан мутлақ янги босқичи расмийлаштирилди.

Владимир Путин Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар ҳар томонлама ривожланиб бораётганини, жумладан, савдо- иқтисодий ҳамкорлик кенгаяётганини таъкидлади. Мазкур учрашув икки томонлама алоқаларга, Марказий Осиё минтақасидаги вазиятга доир масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканлигини қайд этди.

— Россияга ташрифингиз икки томон учун ҳам фойдали бўлишига ишончим комил, — деди Владимир Путин.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов таклиф учун Владимир Путинга миннатдорлик билдириб, Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома муҳим тарихий аҳамиятга эга ҳужжат эканлигини таъкидлади.

— Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг янги имкониятларини очишга хизмат қиладиган бу ҳужжат минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг зарур кафолатларини яратади, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Алоқаларимиз суръати ошиб боряпти. Жорий йилнинг биринчи чорагида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 24,5 фоиз ортди. Айни пайтда бу суръатни янада ошириш имкониятлари кўп эканлигини ҳам таъкидламоқчиман.

Ислом Каримов энергетика соҳаси бутун дунёда ҳар томонлама долзарб аҳамият касб этаётганлигини ва томонлар бу йўналишда самарали ҳамкорлик қилиб келаётганини қайд этди.

Учрашувда Ўзбекистонда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёнига эътибор қаратилди.

— Баъзи давлатларда асосий объектлар сотиб бўлинган, — деди Ўзбекистон Президенти. — Ўзбекистон бу борада шошма-шошарликка йўл қўймади. Россия компаниялари биздаги хусусийлаштириш жараёнларида фаол иштирок этиш имкониятига эга.

Музокарада хавфсизлик масалалари, хусусан, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш муаммолари атрофлича муҳокама қилинди.

— Хавфсизликни таъминлаш масаласи долзарб аҳамиятга эга бўлиб бораяпти, — деди Ислом Каримов. — Бу юзага келаётган муаммоларни ҳамкорликда ҳал қилишни, тахдидларнинг олдини олиш учун тезкор ҳаракат қилишни тақозо этмоқда. Марказий Осиёда бу минтақага дахли бўлмаган кучлар ҳукм юритишга интиляпти. Бугунги учрашув ана шу масалалар, шунингдек, минтақада интеграцияни кучайтириш юзасидан фикр алмашиш учун яхши имкониятдир.

Мамлакатимиз раҳбари Россия Президентининг мамлакат Федерал мажлисига бу йилги мурожаатига тўхталиб, у бой мазмунга эга эканлигини қайд этди.

Президент Ислом Каримов 9 май куни Тошкентдаги Хотира майдонида журналистлар билан суҳбатда Ўзбекистон билан Россия ўртасида тузилган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилишини таъкидлади. Бу ҳужжат икки мамлакат манфаатларига хизмат қилади, у тинч ва осуда ҳаётнинг кафолати бўлиб, келажакка ишонч билан қараш имконини беради.

Президент Ислом Каримов жорий йил 6 март куни «Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини имзолади. Сочи учрашуви арафасида Владимир Путин бу ҳужжатнинг Россия томонидан ратификация қилиниши тўғрисидаги қонунни имзолади. Энди шартнома тўлиқ кучга кирди.

Таъкидламоқ жоизки, мазкур шартнома ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини таъминловчи асосий ҳужжатдир. Унда ташқи хавф юзага келганда ўзаро ёрдам кўрсатиш билан бирга, халқаро майдонда ҳамкорликни ривожлантириш, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий-маданий ва бошқа соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш масалалари кўзда тутилган.

Ҳозирги воқеликка назар ташлайдиган бўлсак, Марказий Осиёда ва минтақамиз теварагида кечаётган жараёнлар хавфсизлик ва барқарорликни, кўп томонлама асосдаги сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашни тақозо этаётгани аён бўлади. Шу жиҳатдан мазкур шартнома Ўзбекистон учун катта аҳамиятга эга. Шунингдек, мамлакатимиз ташқи сиёсатида Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон ва Покистон билан ҳам шундай алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётгани ялпи хавфсизлик ва барқарорликка эришиш йўлидаги интилишларимиздан далолатдир.

Айни пайтда шартнома Россия учун ҳам ғоят муҳим ҳужжатдир. У икки томонлама ҳамкорлик негизида Россиянинг жанубий сарҳадлари хавфсизлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, глобаллашув шароитида бундай шартнома тинчлик ва барқарорликнинг мустаҳкамланиши ва тахдидларнинг олди олинишини, шу билан бирга, ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришни таъмин этади.

Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома расман энди кучга кирган бўлишига қарамай, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик бу ҳужжатдаги тамойиллар асосида изчил тараққий эта бошлаганига анча бўлди. Масалан, биргина энергетика соҳасидаги ҳамкорлик доирасида 2,5 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги сармоя ўзлаштирилмоқда.

Яқинда «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти билан Россиянинг «Техноспецсталь инжиниринг» (Санкт-Петербург) компанияси ўртасида савдо шартномаси имзоланди. У 2008 йилга қадар Россия томонига 30 дона Ил-114 русумли самолёт етказиб беришни назарда тутади.

Ўзбекистон ва Россия ижтимоий соҳада ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Фан-таълим, тиббиёт, маданият ва санъат, турли бошқа йўналишларда алоқалар фаоллашмоқда. Ҳукуматлар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, ишбилармонларнинг ҳамкорлиги изчил ривожланмоқда. Сўнгги беш- олти ой мобайнида Россия Федерациясидан Ўзбекистонга 15 расмий делегация ташриф буюргани диққатга сазовордир. Жумладан, Россия Федерацияси Федерал мажлисининг Давлат думаси раиси Борис Гризлов ва Федерация кенгаши раиси Сергей Миронов юртимизда бўлди. Ўтган ҳафта эса Россия ҳукумати раисийинг биринчи ўринбосари Дмитрий Медведев Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Ислом Каримов билан Владимир Путиннинг бу галги учрашувида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг расман кучга кириши муҳим тарихий воқеа эканлиги алоҳида таъкидланди. Президентлар қайд этганидек, мамлакатларимиз ўзаро ҳамкорликни энг ишончли ва энг олий даражага кўтарди. Ўтган йилнинг ноябрида имзоланган бу ҳужжат қисқа муддатда икки томонда ҳам ратификация қилингани Ўзбекистон ва Россиянинг ўзаро муносабатларни кенг кўламда ривожлантириш борасидаги азму шижоатидан далолатдир.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
Тошкент-Сочи-Тошкент.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Янгиликлар, воқеалар**

**ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШЛАРНИ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, АҚЛАН ВА МАЪНАН БАРКАМОЛ, ОНА-ВАТАНГА САДОҚАТЛИ, ВАТАНПАРВАР ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШ, ШУНИНГДЕК, УЛАРГА МУСТАҚИЛЛИК ҒОЯЛАРИ, МИЛЛИЙ МАФКУРА АСОСИДА ТАЪЛИМ БЕРИШ, ЁШЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, УЛАРНИНГ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ ВА ЖАМОАТ ИШЛАРИДА ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ВА УНИНГ ҲОМИЙЛИГИДАГИ «КАМАЛАК» БОЛАЛАР ТАШКИЛОТИ ТАШКИЛ ТОПГАНИГА ҲАМ БЕШ ЙИЛ БЎЛДИ.**



# «КАМОЛОТ» — ЁШЛАРНИНГ ЧИНАКАМ СУЯНЧИ

**Пойтахтимизда «БИЗ—ПРЕЗИДЕНТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ» шиори остида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими Кенгаши ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилотининг анжумани бўлиб ўтди**





Айтиб ўтиш жоизки, ўтган вақт ичида ушбу ташкилот ўз олдига қўйган қатор вазифаларни бажаришга, ўз сафларини илм олишга, ҳунар эгаллаб юрт ривожига ҳисса қўшишга интилаётган минглаб ёшлар билан тўлдиришга ҳаракат қилди. Юртбошимиз «Камолот» ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин» деб билдирган тилакларига том маънода муносиб бўлишга интилиб, бу йўлда арзирли ютуқларга эришиа олди.

Куни кеча пойтахтимиз кўрки бўлган Мустақиллик майдонида шаҳримизнинг барча мактабларидан келган 300 нафардан ортиқ бошланғич синфларнинг энг аълочи ва намунали ўқувчиларининг «Камалак» болалар ташкилотига аъзоликка қабул қилиш маросими катта тантана билан бўлиб ўтди.

— Азиз ўғил-қизлар, болажонлар, — деди жумладан тадбирда сўз олган Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев. — Бугунги унутилмас кун, чиройли байрам узоқ вақт ёдингизда сақланиб қолади. Ишонаманки, сиз келгусида мустақил Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб вояга етасизлар.

Қасамёд сўзларини бурро тилда айтаётган, юз-кўзларидан ифтихор, шодлик чақнаб турган, ҳозиргина ака-опалари тақиб қўйган кўкрак нишонини авайлаб силаб қўяётган болажонларга қараб завқинг ошади, тинч, қутлуғ кунларда яшаётганингга шукроналар келтирасан.

— Мен Шайхонтоҳур туманидаги 115-мактабнинг 1-«А» синфида ўқийман, — дейди бийрон тилли қизалоқ Мубина Ортиқова. — «Камалак»ка аъзо бўлиш янада яхши ўқиш, ўртоқларига ёрдам бериш дегани. Мен яхши ўқиб келгусида катта олим бўламан.

— Биз бирга ўқимоқчимиз, Президентимизга фақат яхши баҳоларга ўқишимиз билан раҳматимизни айтмоқчимиз, — дейди «Камолот» ва «Камалак» доим бирга бўлажак, шиорини жарангдор овозда қайтараётган Дилдора Аҳадова. Болажонлар шундан сўнг «Мустақиллик ва эзгулик» монументига гул қўйиб таъзим бажо келтирдилар.

Ушбу тадбирдан сўнг муҳташам «Туркистон» саройида «Биз —Президент фарзандларимиз» шиори остида катта шоу дастур бўлиб ўтди.Ушбу «Камолот» ЁИҲнинг Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилотининг V анжуманида иштирок этган ҳар бир қатнашчи гўзаллик, ёшлик, жўшқинлик байрамидан бир олам таассурот олди. Каттала-лар эса бир дамгина бўлсада ўт-олов болаликларига қайтгандай бўлсалар ажаб эмас.

*( Давоми 2-бетда)*

## Қисқа сатрларда

● **ҲАМЗА** туман ҳокимлигида туман фаоллари иштирокида туман ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида ўтказилган давра суҳбати ёшлар маънавий онгини юксалтиришнинг долзарб масалаларига бағишланди.

● **МАННОН** Уйғур номидаги Тошкент Санъат институтида ўқитувчилар, талабалар иштирокида ёшлар орасида маънавий ахлоқий фазилатларнинг шаклланишига кўмак бериш масаласига бағишлаб «Маънавият ва маърифат» марказининг Яккасарой туман бўлими томонидан тадбир уюштирилди.

● **«БИРЖА** сервис» акциядорлик жамиятида «Маънавият ва маърифат» марказининг Собир Раҳимов туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати «Ўз уйингни ўзинг асра» деб номланди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги 232-мактаб стадионида 12 майдан «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ҳамда «Камолот»нинг мактаб бошланғич ташкилоти ҳамкорликларида уюштирилган «Камолот»да футбол ҳафталиги» футбол мусобақаларида 4,9- синфлар ўқувчилари ўзаро беллашмоқдалар. Тадбир 19 майгача давом этади.

● **УЧТЕПА** туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари иштирокида уюштирилган семинар «Маслаҳатчилар ишини жонлантириш, маҳалла мавқеини янада кучайтириш истиқболлари»деб номланди.

● **БЕКТЕМИР** туман ҳокимлигида ўтказилган «Ҳамшира—2006» кўрик-танловининг туман босқичи туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси, «Камолот» ЁИҲ, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги**
**Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

**ВАТАН ИЧРА ВАТАН САНАЛМИШ МАҲАЛЛАЛАРИМИЗНИНГ ТОБОРА ЧИРОЙ ОЧАЁТГАНЛИГИ ЮРТИМИЗГА ЯНАДА ФАЙЗ БАҒИШЛАБ УНИНГ ОБОДЛИГИНИ ОШИРМОҚДА. ШУНИНГ БАРОБАРИДА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА МУҲИМ ЎРИН ТУТМОҚДА.**





# ТАДБИРКОРГА САХОВАТ ЯРАШАДИ

Кейинги йилларда пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Бекобод» маҳалласининг кўрки ортишида амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг ўрни алоҳида. Ўтган йилда қад ростлаган маҳалла гузари нафақат ташқи кўриниши, балки қатор қулайликларга эгалиги билан ҳам ажралиб туради. Маҳалла оқсоқоли ва котиби учун мўлжалланган алоҳида хоналар, милиция таянч пункти ва маънавият хоналари, катта мажлислар зали бугунги кун талаби асосида жиҳозланган бўлиб, бошқарув органи ходимлари ва мурожаат билан келган ҳар бир фуқаро учун қулайликлар мавжуд. Аҳоли маънавиятини юксалтириш, тинчлик ва осойишталигини сақлашга эътибор қаратилмоқда.

Хотира ва Қадрлаш куни байрами ушбу маҳалла аҳли учун қўшалоқ шодиёнага айланди. Маҳалланинг замонавий гузари ёнида «Оталар оромгоҳи» бунёд этилиб, барча қулайликлари билан фойдаланишга топширилди. Айниқса, ушбу масканнинг қад ростлашида ҳомийлар — «Мухлиса қиз» хусусий қурилиш фирмасининг ҳиссаси катта бўлди.

— Маҳалламиздаги 272 та хонадонда 2400 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хайрулла Убайдуллаев. —Ҳудудимиз ободлиги, хонадонларимиз тинчлигихотиржамлиги, аҳоли ҳамжиҳатлиги йўлида интилаяпмиз. Ўтган йилги эзгу ниятимизга мана, қутлуғ байрам куни етдик. Кўнгилдагидек жиҳозланган, нафақат отахонларнинг, балки ёшларимизнинг ҳам бемалол бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари учун мўлжалланган, қулайликларга эга «Оталар оромгоҳи»ни бунёд этдик. Бу борада маҳалламизда истиқомат қилувчи тадбиркорлар, саховатли инсонлар яқиндан ёрдам беришди. Айниқса бунёдкорлик ишларини амалга оширишда Нурилла Йўлдошев раҳбарлигидаги «Мухлиса қиз» хусусий фирмаси қурувчилари ҳар томонлама ёрдам кўрсатди, ҳомийлик қилди. Ана шундай дилида ҳамиша саховат уруғи барқ урган инсонларимиз омон бўлсин.

Маҳаллада ушбу оромгоҳнинг очилиш маросими катта тантанага айланиб кетди. Тўкин дастурхон атрофида 700 нафардан зиёд маҳалла аҳли, кексалар — уруш ва меҳнат фахрийлари тўпланишди. Айниқса, маҳалладан урушда қатнашиб шаҳид кетганлар хотираси ёдга олинди, фронт ортида хизмат қилган отахонларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди.

— Маҳалламиз аҳлига мана шундай кўркам бинонинг қад ростлашида астойдил ҳомийлик қилганларга барчанинг номидан миннатдорчилик билдираман, — дейди Иккинчи жаҳон уруши фахрийси Абдумажид Ҳошимов. — Уларнинг бирига Оллоҳ минг берсин, ишлари ҳамиша бароридан келсин, ниятлари йўлдош бўлсин.

Шу ўринда пойтахтимизда бир неча йилдан буён фаолият кўрсатиб бунёдкорлик кўлами ортишига, кўркам иншоотлар қад ростлашига муносиб ҳисса қўшаётган «Мухлиса қиз» хусусий қурилиш фирмаси ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтишни жоиз деб биламиз. Жамоа аҳли, яъни қўли гул бунёдкорлар орасида қурувчилик касби сирасорларини мукаммал эгаллаган тикловчи, ғишт терувчи, пайвандчи, бўёқчи, сувоқчи, дурадгор ва бошқа ҳунар эгаларини учратишингиз, улар бунёд этган объектларда эса меҳнат ва маҳорат, ғайрат-шижоат намунасини яққол кўришингиз мумкин. Аввалига 2-3 кишини бирлаштирган жамоанинг сафлари кенгайиб, 100 нафардан зиёдга етди. Фаолиятининг илк даврларида улар ёрдамчи пудратчи ишларини бажарган бўлса, изланиш ва интилишлар боис тажрибалари ортди, сифат ва самарадорлик қурувчиларни элга танитди. Тендер савдоларида бош пудратчи сифатида қатнашиб кетма-кет ғолиб бўлишди.



Биргина «Эски Жўва» деҳқон ҳамда «Чорсу» буюм бозорларининг бугунги кўркам қиёфаси, шарқона гўзаллиги, сотувчию харидорларга яратилган қулайликлари бунёдкорларнинг маҳорати намунасидир.

— Сифат ва муддатни энг биринчи ўринга қўйганимиз боис ҳам буюртмачиларимиз талабини қондираяпмиз, — дейди фирма раҳбари Нурилла Йўлдошев. — «Чорсу» ва «Эски Жўва» бозорларидаги тадбиркорлар учун ҳар томонлама қулай кийим-кечак дўконлари, савдо расталари, полиз ва сабзавот маҳсулотлари улгуржи шохобчаси, миллий либослар, иссиқ таомлар сингари бозорчалар, яна ўтган йилда қурилган савдо шохобчалари меҳнатимиз самарасидир. Келгусида яна кўплаб қурилиш объектларида меҳнат қилишни ният қилганмиз. Ҳомийлар ва шифокорлар йилидаги эзгу ниятимиз эса саховатпешаликдир. Бугунги оромгоҳ очилиши тантанасидаги мамнуният, маҳалла аҳлининг миннатдор чеҳралари, пиру бадавлат нуронийларимизнинг дуолари бизни қўллаши, янада эзгу ишларга ундашига аминмиз. Зеро бунёдкор ўз меҳнати мевасини бир кун эмас, балки йиллаб кўради, кўрганда кўзи қувнайди. Саховат эса одамлар қалбидан ўрин олади.

Маҳалла фаолларининг келгуси йилда ҳам режалари бисёр. «Оталар оромгоҳи»нинг ҳовлисига каравотлар қўйиш, дарахтлар салқинида дам олиш учун шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилган. Албатта, аҳоли ва ҳомийлар бир ёқадан бош чиқаришса, ният ижобат бўлади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: маҳаллада янги қурилган «Оталар оромгоҳи», маҳалла фаоллари ва нуроний отахонлар доимо ҳамжиҳатликда ишлашади.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

# САЙЛОВ КАМПАНИЯСИНИНГ СУРЪАТИ ОШМОҚДА

**ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ МАЙ ОЙИДАН ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИГА БОШЛАНГАН САЙЛОВЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИГА ҚАРАГАНДА, БУГУНГИ КУНДА 95 ТА МАҲАЛЛАДА ҲИСОБОТ ЙИҒИЛИШЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ. ТАҲЛИЛЛАР ШУНИ КЎРСАТАДИКИ, САЙЛАНГАН ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСЛАРИНИНГ 15 ФОИЗИНИ АЁЛЛАР ТАШКИЛ ЭТДИ. БУНДАН ТАШҚАРИ, САЙЛОВЧИЛАРНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ ДЕЯРЛИ АЁЛЛАРДИР. ДЕМАК, УШБУ МУҲИМ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎЗИГА ХОС ФАОЛЛИК КЎРСАТМОҚДА, ҚОЛАВЕРСА, УЛАРНИНГ ЎРНИ АНЧА САЛМОҚЛИ, ДЕСАК МУБОЛАҒА БЎЛМАЙДИ.**

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларига тайёргарлик кўриш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиянинг навбатдаги йиғилишида юқоридаги рақамлар алоҳида қайд этилди.

Комиссия йиғилиши кун тартибидаги долзарб масалалар қаторида бевосита ҳисобот йиғилишлари жараёнида тайёргарликни юқори савияда ташкил этиш масаласи ҳар томонлама муҳокама қилинди. Таъкидлаб ўтилганидек, асосан бугунги кунда маҳаллаларда фаоллик сезиларли ошгани кузатилаётир. Жойларда аҳолини тегишли ахборотдан бохабар қилишга йўналтирилган турли услублардан фойдаланилмоқда. Биринчи навбатда бу, албатта, сайловларга чорловчи плакатлар, маҳаллага оид шиорлар, ҳар бир кўча ва кўп қаватли уйлар бўйича эълонлар билан таърифланади. Айниқса бу борада Шайхонтоҳур туманида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилган.

Ушбу йўналишда катта ҳажмдаги саъй-ҳаракатлар сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар ва уларнинг кўнгилли ёрдамчилари — Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчи ва магистрантлари томонидан олиб борилмоқда. Мазкур олий ўқув юрти вакиллари жойларда сайлов кампанияси том маънода қонуний-ҳуқуқий талабларга мувофиқ ўтказилишига алоҳида ҳисса қўшмоқда. Аҳоли ўртасида фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш ишларини юритиш билан бирга, улар шунингдек турар жойларда мавжуд бўлган муаммолар юзасидан аҳоли фикрини ўрганган ҳолда мониторинг ҳам олиб боришмоқда.

Йиғилишда Юнусобод ва Мирзо Улуғбек туманларида сайлов кампанияси жараёни хусусида тегишли комиссияларнинг ҳисоботлари тингланди.

Юнусобод туманида 58 та маҳалла мавжуд бўлса, шундан 14 тасида сайловлар бўлиб ўтди. Иккита маҳаллада янги оқсоқоллар сайланди, қолганлари бўйича эса аҳоли аввалги ўзини ўзи бошқариш органлари раислари, шу жумладан икки нафар аёлга яна ишонч билдириб, овоз берди. Ушбу фуқаролар йиғинларига 210 та маслаҳатчи ҳам сайланди.

Мирзо Улуғбек туманида бугунги кунда 246 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шулардан 151 мингини ёши 18 дан зиёд бўлган фуқаро ташкил этади. Вакиллик мажлисларида аҳоли манфаатини кўзлаб ҳисобот-сайлов йиғилишларида овоз бериш ҳуқуқига эга 5507 нафар киши сайланган. Оқсоқоллик вазифасига 178 номзод кўрсатилган. Ўтган вақт давомида тумандаги 9 та маҳаллада сайловлар бўлиб, ўтди. Сайланган оқсоқолларнинг уч нафари фуқаролар йиғини раиси вазифасини бажаришга биринчи марта киришмоқда.

Шу билан бирга йиғилишда ишчи гуруҳларининг қонунчилик нуқтаи назаридан ҳисобот йиғилишларини тўғри олиб боришига масъулиятини кучайтириш лозимлигига урғу берилди. Бунда асосий эътибор ушбу жараённинг ички жиҳатлари, хусусан саноқ комиссиясини сайлаш, овоз бериш, оқсоқоллар номзодини муҳокама қилиш, сайловлар якуни бўйича ҳисобот ҳужжатларини расмийлаштириш каби масалаларга жиддий ёндошган равишда қаратилиши керак дея таъкидланди. Шунингдек, жойларда бўлиб ўтаётган муҳим жараёнларга аҳолининг 100 фоиз қамровини таъминлаш мақсадида тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишларини олиб бориш услубларини янада кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди. Бу борада фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларига тайёргарлик кўриш ва ўтказишни ёритиш масалаларида оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш муҳимлиги тавсия этилди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

# «КАМОЛОТ» — ЁШЛАРНИНГ ЧИНАКАМ СУЯНЧИ

*( Давоми. Боши 1-бетда)*

2001 йил 15 июндан бошлаб «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳомийлигида фаолият юритиб келаётган «Камалак» болалар ташкилоти 7 ёшдан то 14 ёшгача бўлган ёшларни жаҳон андозалари даражасида илм олиб таълим-тарбияли, баркамол бўлиб вояга етишлари йўлида хизмат қилмоқда. Анъанага кўра ушбу анжуманда йил давомида энг фаол, жонкуяр, ўз ишини пухта билган сардорлар 12 та йўналиш бўйича тақдирландилар. Хусусан, Бектемир туманидаги 293-мактаб ўқувчиси Қуралай Туктибаева— «Заковат», Мирзо Улуғбек туманидаги 205-мактаб ўқувчиси Мурод Такабоев — «Огоҳлик», Миробод туманидаги 154-мактаб ўқувчиси Бахтиёр Ҳусанов — «Ҳунарманд», Сергели туманидаги 304-мактаб ўқувчиси Саодат Абдувалиева — «Камалак маликаси», Юнусобод туманидаги 235-мактаб ўқувчиси Шуҳрат Комилов — «Маҳалла умиди», Яккасарой туманидаги 144-мактаб ўқувчиси Муқаддам Набиева— «Интизом», 115-мактаб ўқувчиси Зебо Комилова — «Сардорларнинг сардори», Собир Раҳимов туманидаги 24-мактаб ўқувчиси Умида Салимова — «Истеъдод», Учтепа туманидаги 14-мактаб ўқувчиси Ирода Исҳақова — «Табиатшунослик», Ҳамза туманидаги 206-мактаб ўқувчиси Нигора Сайитбекова — «Соғлом авлод», Чилонзор туманидаги 193-мактаб ўқувчиси Сабина Алиева «Дўстлик», Шайхонтоҳур туманидаги 299-мактаб ўқувчиси Гулбаҳор Одилова — «Миллий қадриятлар», шунингдек, Республика ҳарбий лицейи ўқувчиси Дилшод Муродов — «Жасорат» йўналишлари бўйича ғолибликни қўлга киритдилар.

— Ғолиблар қаторидан ўрин олганимдан кўнглим осмон бўлди, — дейди «Миллий қадриятлар» йўналиши ғолибаси Гулбаҳор Одилова. — Давлатимиз, қолаверса Президентимиз томонидан бизга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликка аъло ўқишимиз, намунали хулқ ва фаоллигимиз билан жавоб берамиз.

— Мен келажакда ҳарбий офицер бўлишни ният қилганман, — дейди Республика ҳарбий лицейи ўқувчиси, «Жасорат» йўналиши ғолиби Дилшод Муродов. — Ҳамиша Ватанимга садоқатли, мард, жасур ўғлонлар сафида бўламан.

Эстрадамиз юлдузлари Лариса Москалёва, Абдулазиз Карим, Достон Убайдуллаев каби қатор санъаткорлар, «Томоша», «Алладин» гуруҳларининг чиқишлари тадбирга янада кўтаринкилик бахш этди.

Ёшликкагина хос бўлган шўх, шодон ўйинкулгу, гулдурос қарсаклар янграб турган ушбу анжуман барча-барчада катта таассурот қолдирди. Ғолибларга диплом, анвойи гуллар, эсдалик совғалари топширилди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: Мустақиллик майдони ва «Туркистон» саройида бўлиб ўтган тадбирлардан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

*Маҳалланг — ота-онанг*

# ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

**БУГУН ЖОЙЛАРДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНИ БЎЛМИШ МАҲАЛЛАЛАРДА ОҚСОҚОЛЛАР ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ БЎЛИБ ЎТЯПТИ.**

Бугун маҳалла кишилари ўртасида «Ким бу оғир юкни кўтара олади? У чиндан ҳам бугунги кун талаби нуқтаи назаридан қараганда ҳалол, билимдон, фидойи инсонми, оқсоқол сифатида бошқаларга ўрнак бўла оладими, изланувчан, қатъиятли тадбиркорми, давлат ва маҳалла манфаатини ҳимоя қилиш ва бошқаларни ҳам шунга жалб этиш қудратига эгами, маҳалладошларни ўз атрофига жипслаштира оладими?» каби саволлар долзарб мавзу даражасига кўтарилган.

Чиндан бу ишда етти ўлчаб бир кесмоқ керак. Оқсоқолликка шундай одам сайлансинки, у ҳар томонлама қобилиятли ва ибратли бўлсин. Ана шундай эл орасида обрў бўлган кишиларгина кўпчиликнинг бошини бир ёқадан чиқара олади.

Куни кеча ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтган Ҳамза туманининг Аҳмаджон Назаров номли маҳалла аҳли ҳам бу ҳақда кўп ва хўп ўйлади. Ва ниҳоят маҳалла оқсоқоли Собир Комиловни оқсоқолликка яна қайта сайлаш фикрига келишди. Нега? Нимага? Чунки бу инсон йиллар давомида ўзининг ҳақиқий ташкилотчилик, маҳалла олдида турган ҳар қандай муаммони изчиллик билан еча олиш қобилиятини маҳалладошлари орасида тўла намоён эта олди. Ҳаётий мисолларга мурожаат қилайлик. Маҳаллага ўнлаб йиллар давомида кўплаб оқсоқоллар раҳбарлик қилишди. Афсуски, уларнинг аксарияти билимсизлиги, давр талабини тўла идрок эта олмасликлари туфайли эскича услубда иш юритиб, маҳалла ҳаётига бирор ўзгариш, янгилик олиб кириша олмади. Натижада маҳалладан путур кетди, энг ёмони одамлар орасида пайдо бўлган келишмовчиликлар сабабли ўртадан оқибат кўтарила бошлади.

Маҳаллага замонавий раҳбар керак эди. Узоқ фикр ва мулоҳазалардан сўнг шу маҳалла фарзанди, унинг чинакам жонкуяри Собир Комилов оқсоқолликка лойиқ инсон деб топилди. Қисқа муддат ичида оқсоқолнинг ташаббуси билан амалга оширилган қурилишлар, ободонлаштириш ва тарбиявий ишларни бугун бирма-бир санаб ўтиш қийин. Маҳалланинг моддий базасини яратишда оқсоқолнинг тадбиркорлиги қўл келди. У кўп ўйлаб ўтирмай, ўз раҳбарлигидаги «Комилобод» хўжалигини маҳалла тасарруфига ўтказди. Шу билан маҳаллада тадбиркорликка кенг йўл очилди. Халқ банкидан маҳалланинг ҳисоб рақами ўрин олди. Унда барча тушумлар, шу жумладан, маҳалла ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилотлардан, тадбиркорликдан тушган маблағлар сақланади. Бу маблағлар эса ободончилик ишларига, маҳалланинг кор-хайрига, кам таъминланган, кўп болали оилаларга, ногиронларга, умуман моддий ёрдамга муҳтожларга сарфланади.

Бугунги кунда маҳаллада турли миллатларга мансуб 2254 тадан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда мавжуд бўлган 647 та оиладан 75 таси кўп болали, 30 таси кам таъминланган, 43 тасида ногиронлар бор. Улардан мунтазам равишда хабар олиб турилади. Маҳаллада Юртбошимизнинг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш», «Болали оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Фармонларини аниқ, бенуқсон ва оқилона ижросини таъминлаш юзасидан маълум ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари маҳалладаги барча 15 та кўчаларда ва хонадонларда мунтазам равишда олиб борилади. Бундан ташқари маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари биргаликда шу ҳудудда жойлашган автобусларнинг шоҳбекатидаги майдонларни ободонлаштириш ишларини яхши олиб боришмоқда. Бугун маҳалла ҳудуди арча ва мевали дарахтлар, бир йиллик ва кўп йиллик гуллар билан безанган. Бу ибратли ишларнинг самараси туфайли ушбу маҳалла 2003 йилда республика миқёсида маҳаллалараро ўтказилган «Энг обод маҳалла» кўрик танловида фахрли биринчи ўринни эгаллади. 2004 йилда эса барча номинациялар бўйича ўтказилган танловда Тошкент шаҳридаги 474 та маҳаллалар орасида мутлақ ғолиб деб топилди.

Ўтган давр мобайнида маҳалла аҳолиси жалб қилинган ҳолда бу жойда ўттизга яқин турли тадбирлар ўтказилди. Мазкур тадбирларда маҳаллада истиқомат қилувчи кам таъминланган оилалар ва қарияларга 5 миллион сўмга яқин пул миқдорида озиқ-овқат маҳсулотлари, моддий ёрдам ва эсдалик совғалари топширилди. Янги йил арча байрами муносабати билан маҳалла ҳудудидаги болажонларнинг 1700 нафарига қимматбаҳо совға-саломлар улашилди.

Ўтган йиллар орасида маҳаллада биронта ҳам жиноят содир этилмади. Шу боис 2005 йилда республика миқёсида ўтказилган «Энг намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловида маҳалла шаҳримизда биринчи ўринни, республикада эса фахрли иккинчи ўринни эгаллаб компьютер ва телевизор совриндори бўлди. Маҳаллада спортнинг кўплаб турлари бўйича тўгараклар ташкил этилган. Ёшлар орасида бир қатор спорт турлари бўйича чемпионлар етишиб чиққан. Улар жумласига бокс бўйича республика чемпиони Умид Зоитовни, кикбоксинг бўйича республика чемпиони Татьяна Арушаянни, дзюдо бўйича республика чемпиони Қобил Ибрагимовларни киритиш мумкин. Маҳалла футбол жамоаси эса ўтган йилда Ҳамза туман ҳокими кубогини қўлга киритди.

2004 йилда «Экосан» жамғармаси томонидан ўтказилган республика маҳаллалараро «Экология ва саломатлик» кўрик-танловида маҳалла ғолиб деб топилди ва халқаро «Экосан» ташкилоти томонидан 1 миллион 300 минг сўм миқдорида кийим-кечаклар билан мукофотланди. Бу кийим-кечаклар маҳаллада истиқомат қилувчи фуқароларга тарқатилди. Бундан ташқари, маҳалла фуқаролар йиғини раисининг шахсий жамғармаси ҳисобидан 130 та оилага қимматбаҳо совғалар берилди. 1600 та болаларга арча байрами муносабати билан совға улашилди. 77 та кам таъминланган оилага 2 миллион сўм миқдорида коммунал соҳа йўналишларига бегараз ёрдам кўрсатилди. Тумандаги 30-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига 3 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди. Наврўз ва Мустақиллик байрамларида уларга байрам дастурхони ёзилди.

Маҳаллада фавқулодда вазиятлар хонаси ишлаб турибди. Бу хона барча зарурий асбоб-ускуналар ҳамда қўлланмалар билан жиҳозланган. Шунингдек, бу ерда ёшларни иш билан таъминлаш, тўй-ҳашамларни ўтказиш, хотин-қизлар билан ишлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, ободонлаштириш, спортни ривожлантириш каби комиссиялар ҳамда маънавият ва маърифат маркази фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллада ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар ёш авлодни Ватанга, миллий қадриятларга ва эл-юртга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнамоқда.

Ижобий ишлар билан бир қаторда маҳаллада ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, шу ҳудудда жойлашган 25-сонли дўкон орқасида 60 сотиҳдан иборат майдон бор. Ушбу майдон маҳалла чойхонасини қуриш ва унинг атрофини манзарали дарахтлар билан обод этиш ишларига мўлжалланган. Лекин маблағ етишмовчилиги сабабли бу тадбир амалга ошмай қолди. Бугун маҳалла фаоллари бу қурилишни бошлаш арафасида туришибди. Бундан ташқари, шу дўконнинг биринчи қаватида маиший хизмат кўрсатиш маркази ва иккинчи қаватида ёшларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш мақсадида бир қатор спорт тўгаракларини ташкил этиш кўзда тутилган эди. Бу режа ҳам маҳалланинг галдаги вазифасидан ўрин олган...

Ҳисобот-сайлов йиғилиши аҳли маҳалла оқсоқолининг 2,5 йиллик ҳисоботини тинглаб, уни қониқарли деб баҳолади. Шундан сўнг оқсоқолликка номзоди қўйилган икки киши ўз дастурларини баён этишди. Йиғилиш иштирокчилари якдиллик билан Собир Комилов дастурини маъқуллаб, уни қайтадан оқсоқолликка сайлашди.

Сўзга чиққан маҳалла фуқаролари Қобил Толипов, Клара Тожиева, Жаҳон Эгамбердиевалар сайланган оқсоқол маҳалла аҳлига ҳар томонлама ибрат бўлишини ва кўпчиликка намуна қилиб кўрсатишга арзигулик билимдон, тадбиркор инсон эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтдилар.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**




Шаҳримиздаги «Кўркамобод» маҳалласида ҳам оилаларнинг тинч-хотиржам яшашлари, болажонларимизнинг соғлом ва баркамол униб ўсишлари учун маҳалла аҳли баҳамжиҳатликда иш олиб бормоқда.

—Маҳалла—муқаддас маскан,— дейди «Кўркамобод» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Саидкарим Сотволдиев. —Унда истиқомат қилувчи аҳолининг ҳар доим аҳил, иноқ бўлиб яшашларини, бир-бирларини қўллаб-қувватлашларини истаймиз. Кўз тегмасин, маҳалламиз тинч, унда яшовчилар эса доимо ҳамкор, ҳамқадамликда яшайдилар. 792 хонадондан иборат, 4800 га яқин аҳоли яшайдиган бу масканда кишиларнинг яхши яшашлари ва дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Фақатгина бир муаммомиз тугунини еча олмай қийналмоқдамиз. Гап шундаки, маҳалламизда болажонлар учун спорт майдончаси йўқ ҳисоби. Нега дейсизми, маҳалла кучи ва ёрдами билан, ҳашар йўлида Тақачи кўчасидаги бўш ерни текисладик, фақат майдончага ётқизишга чим топа олмай оворамиз. Худо ҳоҳласа мутасадди раҳбарларнинг ёрдами билан болалар спорт майдончаси обод ва янада кўркам жойга айланишига умид боғламоқдамиз. Ахир болалар бизнинг борлиғимиз, бойлигимиз ва келажак юлдузларимиздир.

Дарҳақиқат, «Кўркамобод» маҳалласидаги Тақачи кўчаси 52, 54-уйлар орасидаги 300-400 м² бўш ерни, маҳалла аҳли ҳашар йўли билан тозалаб, текислаб қўйган. Фақатгина майдончани чим билан қоплаш қолган холос. Маҳалла оқсоқоли икки йилдирки на чим, на унинг уруғини топа олмай хуноб. Туман ҳокимлиги ҳам бу ишда ёрдам қўлини чўзишини айтди-ю, лекин негадир ишлар силжимаяпти. Ёшларимиз дунё саҳналарида туриб спортимиз довруғини оламга ёяётган бир пайтда, шахримиздаги файзли маҳаллаларнинг бирида болалар спорт майдончасининг йўқлиги албатта ачинарли ҳолдир...

— Биз бир неча маротаба тегишли жойларга мурожаат хати билан чиқдик, лекин натижаси бўлмади. Яқиндагина эса Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиалига илтимос хати ёздик, улардан умидимиз катта, ёрдам берамиз дейишибди, биз эса бундан жуда мамнунмиз, — дейди оқсоқол.

Болажонларнинг яйраб тўп тепишлари, спортнинг ҳар хил турлари билан шуғулланиб, жисмоний жиҳатдан чиниқишлари учун спорт майдончаси зарур. Умид қиламизки, мутасадди раҳбарларимиз келажагимиз ворислари бўлмиш ёшларнинг бу истакларини амалга оширадилар. Зеро, миллатнинг эртаси соғлом ва иқтидорли ёшлар қўлида. Уларга муносиб шарт-шароитлар яратиб бериш эса ҳар биримизнинг асосий вазифамизга киради.

**Гулчехра ДУРДИЕВА**

*Менинг маҳаллам*

# «КЎРКАМОБОД» КЎРКАМ БЎЛСИН

**ЖАННАТМАКОН ЮРТИМИЗ УЗРА КЎКЛАМ ФАСЛИ ҲУКМ СУРМОҚДА. ҲАММАЁҚ ГУЛУ ГУЛЗОРЛАРГА БУРКАНГАН. АЙНИҚСА МАҲАЛЛАЛАРДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ТАҲСИНГА ЛОЙИҚДИР. УНДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН ҲАР БИР ИНСОН МАҲАЛЛАНИНГ ТИНЧЛИГИ, ХОТИРЖАМЛИГИ УЧУН БИРДАЙ МАСЪУЛДИР.**






# ГЎЗАЛЛИККА ЧОРЛОВЧИ МАСКАН

**МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАНИДАН СЎНГ БАРЧА ЖАБҲАЛАРДА ТУБ БУРИЛИШЛАР КЎЗГА ТАШЛАНА БОШЛАДИ. БУНЁДКОРЛИК, ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ АВЖ ОЛДИ. ЮРТ ОБОДЛИГИ ВА ЭЛ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ, ЖАМИЯТИМИЗДА ЎЗАРО ҲАМЖИҲАТЛИК, МУРУВВАТ ВА БАҒРИКЕНГЛИК МУҲИТИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ЮКСАК БОСҚИЧГА КЎТАРИЛДИ, АЙНИҚСА ПОЙТАХТИМИЗДА, ЗАМОНАВИЙ ИНШООТЛАР, РАВОН ЙЎЛЛАРНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ БОРАСИДА ҲАМ КЕНГ КЎЛАМДАГИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.**

Жорий йилнинг февраль ойида «Сергели деҳқон бозори» акциядорлик жамияти, Шукур Бурҳонов, «Чинор» маҳаллалари, «Мафтуна» гўзаллик салони ва хусусий тадбиркор Комилжон Исаев ҳомийлигида «Нозик қадам» маданият уйи ташаббуси билан «Тасвирий санъат» студиясининг очилиши ҳам ушбу ишларнинг кичик бир намунасидир.

— Студияни ташкил қилишдан мақсад , — дейди «Нозик қадам» маданият уйи директори Баҳром Мамадалиев шахримизда фаолият юритаётган маданият уйи ўқувчиларига санъат сирларини мукаммал ўргатишдан иборатдир. Шунинг баробарида, энг иқтидорли ўқувчиларни танлаб олиш, уларга йўл-йўриқ кўрсатиб санъат соҳасидаги билимларини янада мустаҳкамлашни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсам, янги-янги ёш истеъдодларни кашф қилиб, уларни қўллаб-қувватламоқчимиз. Билимларини мустаҳкамлаб келажакка дадил йўл очиб бермоқчимиз.Чунки санъат, бу—яратиш, гўзаллик ва эзгуликка интилишдир. Дунёни гўзаллик қутқаради, деган доноларимиз. Зеро ушбу гўзаллик бағрида поклик, хотиржамлик мужассамдир. Бизнинг ягона ниятимиз эса, оламга нафис бир санъат гўзаллигини яратиб беришга ҳисса қўшишдан иборатдир.

Дарҳақиқат, «Нозик қадам» маданият уйи ташаббуси ва ҳомийлар ёрдамида иш бошлаган мазкур студия бугунги кунда болажонларнинг севимли масканига айланган.

Янги ташкил қилинган «Тасвирий санъат» студиясида «Ёш мусаввирлар»нинг кўргазмали танловлари ҳам бўлиб ўтди.

—Ушбу студиянинг ташкил қилиниши болалар учун айни муддао бўлди, — дейди «Сергели деҳқон бозори» очиқ акциядорлик жамияти раиси Жасурбек Сайфутдинов. — Шаҳримизда иқтидорли болалар жуда ҳам кўп. Уларнинг изланишларини, талантларини рўёбга чиқариш ва ёрдам бериш ҳар биримизнинг инсоний бурчимизга киради. Келажакнинг ёркин ёғдулари, порлоқ юлдузлари ёшлардир. Уларнинг маънавий дунёсини бойитиш, маърифий, ҳуқуқий, дунёвий билимларини юксалтиришда мусаввирликнинг ҳам ўз ўрни бор. Чунки бу санъат тури тафаккурни чархлайди, янгилик ва гўзаллик яратишга ундайди.

Тасвирий санъат студиясининг ташкил этилиши шаҳримиздаги барча умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун ҳам ажойиб янгилик бўлди. Бугунги кунда «Нозик қадам» маданият уйи ташаббуси билан Бектемир, Миробод туманларида ҳам тасвирий санъат студиялари ташкил қилинган ва ҳар хил мусаввирликка оид тадбирлар, учрашувлар, танловлар ўтказилмоқда.

Студияда иқтидорли ўқитувчилар болалар билан иш олиб бормоқдалар. Яқинда «Янги Сергели» маданият ва истироҳат боғида «Ёш мусаввирлар» кўргазмали танловининг Сергели туман босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда тумандаги 300, 305, 269, 317, 104, 266, 7, 169, 8-мактаб ўқувчиларининг энг иқтидорлилари ҳомийлар томонидан тақдирландилар.

Ҳа, ҳар бир янгилик ортида яхшиликка хизмат қилиш ва инсон манфаатлари ётади. Ушбу студиянинг ташкил қилиниши замирида ҳам улкан режалар, янги-янги орзулар мужассам. Ўз иқтидорларини шакллантираётган бу ёшлар вақти келиб буюк рассомлар бўлиб етишишлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Биз эса юртимизда, ана шундай гўзалликка хизмат қиладиган, янгиликка йўналтирадиган, яшашга иштиёқ уйғотадиган, эзгуликка хизмат қиладиган гўшаларнинг кўпайишини ва улар болажонларнинг энг севимли, қизиқарли масканлари бўлиб қолишини истардик

**Гулчехра САТТОР қизи**

**СУРАТЛАРДА: тасвирий санъат студиясида**

## Сўранг, жавоб берамиз

***Республика Давлат болалар кутубхонасига аъзоман. Ҳар гал кутубхонага борганимда унинг катта-катта антиқа хоналари, залларининг тузилиши ҳайратимни оширади. Бинонинг қадимийлигини биламан, аммо нима мақсадда ва ким томонидан қурилгани ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмасман. Газетангиз орқали шу ҳақда маълумот берсангиз.***

**Зарнигор Ибрагимова, 123-мактаб ўқувчиси.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат болалар кутубхонаси давлат муҳофазасидаги меъморчилик ёдгорлиги бўлмиш қадимий бинода жойлашган.

Мазкур бино 1907 йилда қурилган. Уни бой савдогар ака-ука Водъяевлар ўзлари учун қурдирганлар. Бинода шаҳар уламоларининг йиғилишлари, юбилей тантаналари ва баллар ҳам ўтказилар эди. 1965 йилга қадар республикада болалар кутубхоналари фаолиятини умумлаштирувчи, услубий йўл-йўриқлар кўрсатадиган ташкилот бўлмаган. Республика Давлат болалар кутубхонаси услубий марказ вазифасини бажаришни ўз зиммасига олган. Шунингдек бугунги кунгача вилоят болалар кутубхоналари фаолиятини бошқариб илмий-услубий ва амалий ёрдам бериб келмоқда.

**Фотима БУХАРОВА, Республика Давлат болалар кутубхонаси директори**

# ШАҲАР ТОПОНОМИК ЛЕКСИКАСИ ҲАҚИДА БИЛАСИЗМИ?

**Қалъа** (арабча) — истеҳком, мустаҳкамланган шаҳар, қаср, қўрғон. Қала шаклида ҳам талаффуз қилинади. Хоразмда қала «шаҳар вайроналари», қалачи — Россия шаҳарларига бориб, савдо-сотиқ қилган йирик маҳаллий савдогар, қалаковуш — «резинка калиш».

**Қарши** — сарой, қаср, қўрғон, кўшк, хон қароргоҳи. Қарши сўзи асли туркий бўлиб, уйғурлардан мўғулларга, мўғуллардан эса Ўрта Осиёдаги туркий халқларга ўтган. Бу сўзнинг маъносини Бобур бутунлай бошқача изоҳлаган: «Қарши — мўғулча сўз, гўрхонани мўғул тили бирла қарши дерлар». Зукко олим Бобурнинг бу сўзлари ҳам ғалати эмас экан. XV-XVI асрларда қарши сўзи янги маъно касб этган — хон авлоди, катта руҳонийлар ва бошқа мўътабар шахслар қабри учун қурилган даҳма, мақбара ҳам қарши дейилган, чунки мақбара сарой ичида, яъни қарши ичида бўлган.

Буюк кишиларнинг мозорлари равза, яъни «бўстон» деб аталган-ку!

**Кўрғон** — душман ҳужумидан сақланиш учун мустаҳкамланган жой, қалъа, шаҳар, қишлоқ, девор билан ўралган ҳовли-жой.

**Кўрғонча** — кичик кўрғон, қалъача, кичик қишлоқ, катта қишлоқдан ажралиб чиққан янги қишлоқ.

**Кўрғонтепа** — тупроқни уйиб кўтарилган, кўпинча мустаҳкамланган сунъий тепалик (кўримоқ сўзидан), қоровултепа, тупроққўрғон ҳам дейилган. Бундай тепаликлар душманнинг қаёқдан келаётганлигини билиш ва қўшни кўрғонтепага хабар қилиш, иложи бўлса ёвга панд бериш учун хизмат қилган. Тошкентда ҳам шундай тупроққўрғонлар бўлган.

Ўрта Осиёда ана шундай қоровултепалар турли жойларда чош (тепа), шош (тепа), шиш (тепа), баъзан қисқартириб қоратепа деб ҳам аталган.

**Ҳисор** (арабча) — истеҳком қалъа, мудофаа девори, В.В.Бартольд араб географлари ҳисор ўрнига кўпроқ қаср сўзини ишлатган дейди.

**Суюн ҚОРАЕВ, география фанлари доктори**

**БУГУНГИ КУНДА ШИФОХОНАЛАРДА, ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКАЛАРДА, АҲОЛИ ЎРТАСИДА ПРОФИЛАКТИКА ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ, ОИЛАДА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ БОРАСИДА САМАРАЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.**

# ТАН СИҲАТЛИК — КАТТА БОЙЛИК

Шаҳримиздаги 42-оилавий поликлиникада ҳам инсон саломатлигига, оналар ва болалар соғлиғини яхшилашга асосий эътибор қаратилган. Собир Раҳимов туманида жойлашган ушбу поликлиника Юртбошимиз ташаббуслари билан 2005 йилда фаолият бошлаган.

— Поликлиникамизда, —дейди бош шифокор Шаҳзода Алимова,— оилада тиббий маданиятни ошириш, инсонлар соғлиғини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш, муҳофазалаш, уларнинг соғлиғини доимо назоратга олиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Муассасамизда ҳам, ходимларимиз орасида ҳам «Эл соғлиғи—юрт бойлиги» шиорига амал қилинади. Шунингдек, поликлиникамизда барча шарт-шароитлар кўнгилдагидек. Замонавий тиббий аппаратлар, инсонлар қувватини оширувчи дори-дармонларнинг борлиги ҳам эътиборга лойиқдир. Гинекология, терапия, кардиология, хирургия, лаборатория, УЗД, ЭКГ, рентген хоналарининг беморларга изчил хизмат қилиши, ташхиснинг тўғри ва аниқ қўйилиши ҳам доимий равишда назоратга олинган, тез ва сифатли хизмат кўрсатиш тўғри ташкил этилган.

Тиббий муассасада бугунги кунда 33 нафар малакали шифокорлар, 60 нафар қўли енгил ҳамширалар 30000 мингдан зиёд аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Поликлиника 3 та умумтаълим мактабларига, учта мактабгача-таълим муассасасига, битта мактаб-интернатга хизмат кўрсатади. Шоира Расулова, Муҳайё Фармонова, Ирода Гулямова, Ҳилола Ўринова каби тажрибали шифокор ва ҳамширалар аҳоли саломатлигини асраб-авайлаш борасида тиним билмай меҳнат қилмоқдалар.

Маълумки, инсон саломатлиги одамларнинг кундалик турмуш тарзига, атроф- муҳитга ҳам боғлиқ. Ушбу тиббий муассасанинг жонкуяр ходимлари аҳолининг соғлиғини ҳимоялаш ва мустаҳкамлашда ҳам тиниб-тинчимайдилар. Аҳоли ўртасида турли касалликлар борасида тушунтириш ишларини олиб бориш, тиббий қонун-қоидаларга амал қилиш, санитария-гигиена маданиятини оширишга ҳам эътиборни қаратмоқдалар. Зеро, инсон саломатлиги энг долзарб, муҳим масаладир.

**Гулнигор САТТОРОВА**

# АВСТРИЯ ТАЖРИБАСИ БИЛАН ТАНИШУВ

**Яқинда Австрия Соғлиқни сақлаш федерал вазирлигининг таклифига биноан, Ўзбекистон тиббиёт ходимларидан бир гуруҳи тажриба алмашув дастури доирасида мазкур мамлакатда бўлиб қайтдилар.**

Маълумки, Ўзбекистонда соғлом авлодни вояга етказиш масалаларига жиддий аҳамият берилади. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури доирасида ҳам бунга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Ўзбек тиббиёт ходимлари Австрияда оналик ва болаликнинг муҳофаза этилиши бўйича мазкур мамлакат тажрибасини ўрганишди. Улар Австрияда соғлиқни сақлаш тизимининг ташкил этилиши, акушерлик ва педиатрия соҳасида даволаш услублари билан яқиндан танишишлари баробарида Вена ва бошқа шаҳарлардаги етакчи тиббиёт марказларида бўлишди, маҳаллий ҳамкасблари билан алоқалар ўрнатишди.

Тажриба алмашуви жараёнида она ва боланинг рўйхатга олиниши, яъни уларнинг махсусан ҳужжатлаштирилиши тизимига алоҳида эътибор қаратилди. Бу тизим Австрияда ҳомиладорликнинг дастлабки давридан бошлаб бола олти ёшга киргунига қадар она ва бола ҳолати мажбурий тиббий назорат остида бўлишига асосланган дир. Бу давр эмлаш, она ва бола мунтазам текширувдан ўтказилиши, профилактика амаллари сингари тадбирларни ўз ичига олади. Ҳар бир тиббий кўрик натижалари шахсий ҳужжатга қайд этилади. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, мазкур тартибга изчил риоя қилган ота-оналаргина болалари учун давлат томонидан нафақа олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Демак, Австрияда оиланинг моддий таъминланиши қайсидир даражада ота-онанинг ўз фарзанди саломатлиги учун масъулиятига ҳам боғлиқдир. Негаки болалар саломатлиги – миллат саломатлиги. У эса соғлом жамиятнинг асосидир.

**«Жаҳон» АА Вена**

## СИРЛИ ОЛАМ

**Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари маълумотлари асосида тайёрланди**

● Янги дарахтлар йили арафасида биринчи марта Негев чўли ва Аравада морола номли мева дарахтлари янги навининг тажрибали майдонлари вужудга келтирилади. Улар ер ости шўр сувларидан суғорилиб, Африка ўрмонларида ўсади. Бен-Гурион номли университет олимлари ва мутахассислари Африка ўрмонларида ёввойи ўсадиган моролани маданийлаштириш учун 16 йил сарфлашди. Унинг таркибида жуда кўп фойдали моддалар бўлиб, улар хусусан юрак-томир касалликлари ривожланишининг олдини олишга хизмат қилади, бундан ташқари, улар шўр ер ости сувларига ҳам чидамли. Зеро, Негев чўли ва Арава бундай сувларга бойдир. Бу тадқиқот лойиҳасига Негевдаги Бен-Гурион номли университет Табиий фанлар бўлими ва Ёрдам тадқиқотлар лабораториясидан доктор Авиноам Нард ҳамда профессор Йоси Мизрахи бошчилик қилади. Доктор Авиноам Нарднинг ҳикоя қилишича, «Морола ёввойи ўсимлик бўлиб, Африканинг Зимбабве, Замбия, Ботсвана, Намибия давлатларидан тортиб, Жанубий Африкагача бўлган ҳудудларда ўсади». Ўсимликнинг ўзи манго дарахтига яқин, мевалари сариқ рангли, пўсти нисбатан қалин, ўткир ҳидли, нордон-ширин таъмли. Уларнинг этидан шарбатни ичиб, ейиш мумкин. Морола С витаминига, шунингдек юрактомир касалликларини профилактика қилишда қўлланиладиган антисептик моддаларга бой. Табиатда морола дарахтининг бўйи 20 метргача бўлади. У жуда серҳосил — йилига битта дарахт 200 килограммдан 400 килограммгача, баъзида эса ҳатто 500 килограмм ҳосил беради. Шундай қилиб, жорий йилдан бошлаб биринчи марта Исроилда тахминан 200 дунам майдонда морола дарахтлари майдонига асос солинади. Уларни аввал Ревивим кибуцида, сўнгра Жанубий Аравада ўтказишади.

● Исроил цитрусли ўсимликлар уюшмаси, қишлоқ хўжалик вазирлиги ва Арава тараққиёт бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган лойиҳа доирасида стерилизациядан ўтган 1,5 миллиарддан ортиқ майда пашша Исроил, Иордания ва Фаластин мухториятида қўйиб юборилади. Бу пашшалар мева дарахтлари, асосан цитруслиларни йўқотаётган Ўрта Ер денгизи пашшасига қирон келтиришда қўлланилади. Оддий пашшалар билан қўшилгандан кейин у насл бермайди, натижада бундай ҳашаротларнинг янги авлоди пайдо бўлмайди. Исроил цитрусли ўсимликлар уюшмаси ҳузуридаги Биологик ҳимояланиш институти доктори Норам Рамлевнинг хабар беришича, ҳар ҳафта мазкур лойиҳада иштирок этаётган ҳудудларда самолётлардан қарийб 10 миллион стерилизациядан ўтган пашша чиқариб юборилади. Бунда Негев чўли Шимолий қисми, Ғазо минтақаси ва Иорданиянинг Иордан дарёси водийси ҳудудлари ҳақида сўз бормоқда.

● Олимларнинг аниқлашларича, карам таркибида инсон учун энг зарур бўлган юз хилга яқин моддалар мавжуд. Одамлар бу шифобахш ва тўйимли сабзавотдан жуда кўп фойдаланиб келадилар. Унинг инсон саломатлигини мустаҳкамловчи муҳим омил эканлиги ҳақида қадимги Рим табиблари ҳам ёзиб қолдирганлар.

● Америка олими З.Ваксман томонидан 1944 йилда стрептомициннинг топилиши сил касаллигини даволашда янги давр очди. Антибиотиклар топилгунча сил менингити бутунлай бедаво касаллик ҳисобланарди. Эндиликда бу касалликка стрептомицин хотима берди. 1948 йилда сил касалликлари жаҳон конгрессида машҳур олим Ваксманга «Силни енгган инсонга» деган сўзлар ёзилган гулчамбар қўйдирилди.

● Шарқий Африкада жойлашган Угандада янги қарор қабул қилинди. Унга кўра, никоҳдан ўтгунга қадар ўз иффатини сақлай олган қизга давлат томонидан мукофот берилади. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазири Сенбунвининг сўзларига қараганда, ҳали бокиралик учун бериладиган мукофот қанақа бўлиши белгиланганича йўқ. Лекин бундан 500 йил аввал расм бўлган анъанага кўра, куёвга чиқадиган иффатли қизга битта эчки совға қилиш расм бўлган. Соғлиқни сақлаш вазирлигидан олинган маълумотларда таъкидланишича, аёллардан иборат экспертлар гуруҳи қайси қиз давлат мукофотига сазовор бўлишини аниқлаб ҳукуматга тақдим этади. Уганда ҳукумати вакилларининг эътироф этишича, бу тадбир мамлакатда СПИД касаллигининг тарқалишини секинлаштиради.

● Англиялик тиббиёт ходимлари томонидан 15 йил давомида ўтказилган тадқиқотлар билан танишиб, оёқнинг узунлиги юрак-томир касалликларига мойиллик туғдиради, деган хулосага келиш мумкин. Тана аъзолари номутаносиб жойлашган калта оёқлиларнинг ҳар тўрт нафаридан бирида қанд касаллигига мойиллик борлиги аниқланди. Уларнинг қонида ёғнинг юқори даражада тўпланиши кузатилган. Фиброиген моддаси ҳам бундай кишиларда бирмунча кўп. Булар томирда қоннинг ивиб қолишига олиб келади. Болалик йилларида сифатли овқатланганлар узун оёқли бўлишар экан. Тадқиқотлар натижалари бундай кишилар ҳам айрим касалликлардан фориғ эмаслигини кўрсатди. Оёқнинг узунлиги юрак-томир хасталикларининг пайдо бўлишидан далолатдир. Бу ҳақда Германияда чиқадиган «Натур» журнали хабар беради.

● Британия олимлари ва Норвегия экология ташкилоти вакиллари тадқиқотларининг натижаларига эътибор берадиган бўлсак, янги аср мобайнида Ғарбий Антрактидадаги музларнинг эриши оқибатида ердаги сув миқдори 1 метрга кўтарилиши мумкин экан. Агар бу жараён тўхтатилмаса, бир неча юз йилдан сўнг ерда сув миқдори яна 4-5 метрга кўтарилади. Натижада сайёрамизда об-ҳавонинг кескин ўзгариши, кўп жойларни сув босиши мумкин. Бу ўз навбатида инсон цивилизациясига катта хавф солади.

## Ўз-ўзи ўргатиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

На мулк билан, на мол билан, шараф фазлу камол билан!

**«ОТАЛАР сўзи»**

Агар киши эҳтиром ва эътибор гавҳарини қидирувчилардан бўлса, гавҳар каби яширин бўлсин, токи уни изловчилар орзу ғаввоси билан қўлга киритсинлар. Агар, аксинча, эътибор тамғасини нафс итининг бўйнидан олиб, гадолар каби, қўлини очиб, ўткинчиларга таъма кўзи билан боқадиган бўлса, тегирмондек саргардон айланиб, қорин тўйдириш пайида бўлса, яхшиси обрў тилашни бир чеккага йиғиштириб, тиланчилик қилгани маъқул.

**Барҳурдор ибн МАҲМУД**

Бахт ҳийла билан топилмайди, бахтиёр бўлмоқни истайсану кеча-кундуз ётасан, ғаввослардан ибрат ол, мақсадга етиш ва марварид топиш учун ўзларини денгиз тагига отадилар.

**«ОТАЛАР сўзи»**

**Тўртта нарса бахтиёрлик белгиси,**
**Кимда бўлса ушбу тўрт кўпдир эси.**
**Асли поклик бахтиёрликка далил,**
**Бадаслга тожу тахт эрмас ҳазил,**
**Бахтиёрларнинг иши доим савоб,**
**Кимки бадбахтдир иши доим азоб.**
**Қалби покликдир яна бошқа далил,**
**Кимни қалби пок бўлмас залил,**
**Умримиз беш кун каби дунёда оз,**
**Ўйламайдир кимники ақли саёз,**
**Яхшимас қувмоқ дахрнинг лаззатин,**
**Айламоқ лозим эрур эл хизматин.**

**Фаридиддин АТТОР**

**Бахт емирур нарсанинг тўрт белгиси,**
**Танбалу нодон— булардур иккиси.**
**Бекасу нокас ила бўлди тамом,**
**Ушбу тўрт нарса нишондур, вассалом.**
**Кимки обрў деб иморатлар қилур,**
**Топган обрўйин ҳам ғорат қилур,**
**Ҳар киши ўз лаззатини ўйлаган,**
**Нафсининг айбин демак хаспўшлаган.**

**Фаридиддин АТТОР**

Бир кишини амалдан туширдилар. Одамлар ундан қоча бошлади. Дўстлар эса алоқани узди. Байт:

**Оғир бўлса ҳар кимсанинг рўзғори,**
**Ундан қочар бола-чақа, нигори!**

Кунлар ўтар, ҳеч ким ундан ҳол сўрамас эди. Тунни кунга улар, дўстларидан эса хабар бўлмади, ҳаёт ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, унинг ихтиёрига яна вазирлик лавозимини топширди. Байт:

**Беқарор фалакнинг одати шулдир,**
**Бир кун тортиб олиб, бир кун беради.**
**Иззати ҳаддин кам эса хўб эмас,**
**Ҳаддидин ортуқ даги марғуб эмас.**

Қочиб кетган дўстлари яна қайтди ва юз бурган амалдорлар бош букиб салом айтди. Бир куни танишларидан бири келиб, узр сўради ва ўзининг арази ва узоқлашишини ҳаётга тўнкади. Улуғ киши деди: «Нокас кишиларга молу давлатинг учун тобеълик қилиш ва аҳмоқ кишиларга бахту иқболинг учун муомала қилиш одатдир. Узр сўрашнинг ҳожати йўқ!» Байт:

**Нокас кишилар доим дунё ортидан қувар,**
**Билимдон кишиларга бир қайрилиб боқмас ҳам.**
**Пашшаларнинг олдида кўплаб шира бўлсада,**
**Аммо тери ошловчи уйида кўп бўлғай жам!**

**Муиниддин ЖУВАЙНИЙ**

Инсон юксак камолотга эришув йўлида ҳаракат қилганидек, ақлий билишга ҳам ҳаракат қилса, ҳеч шубҳасиз ўзи интилаётган сўнгги даражадаги бахт-саодатга эришади.

**Абу Наср ФОРОБИЙ**

## МЕҲМОН, МЕЗБОН, МЕҲМОНДОРЧИЛИК ОДОБИ

Уйларига меҳмон қўнмайдиган кишилар ёмон одамлардир.

**ҲАДИС**

Агар уйингга меҳмон келса «хуш келибсиз» деб очиқ чеҳра билан кутиб ол, меҳмонни очиқ юзлилик билан кутиб олиш катта зиёфат қилиш билан баробардир!

**«ФАВОҚИҲ ал-жуласо»**

Меҳмондорчиликнинг қоидаларидан бири шундайки, меҳмоннинг олдига кираётганда, чиқаётганда ёки таом ейилаётганда очиқ юзли, ширин сўзли ва хушфеъл бўлиш лозим. Меҳмонлар олдида ҳеч бир ходим ёки мулозимни хафа қилмаслик, қаттиқ гапирмаслик, улар томонидан бирорта айб ёки нуқсон бўлса танбеҳ ва таъна сўзларини айтишдан тийилмоқ лозим. Шунинг учун донолар: «Меҳмондорчиликдаги олий иззат очиқ юзлилик ва ширин сўзлик» деганлар.

**Бахил мезбон меҳмонни ўғри кўрар,**
**Берганини миннат қилиб юзга урар.**

**Маҳмуд ҚОШҒАРИЙ**

Уйингга меҳмон келса, меҳмонлар миқдори оз бўлса, бирга ўтир. Кўпчилик бўлса ўзинг туриб хизмат қил. Гоҳо уларга: «Қани, нарсалардан еб ўтиринглар» деб таклиф қил, аммо қиставшни ҳаддан оширма!

**«ФАВОКИҲ ал-жуласо»**

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган.**

*Танловлар*

# «АВТООЛАМ МАЛИКАСИ» АНИҚЛАНДИ

**БУГУНГИ КУНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРИМИЗНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРДА ҚИЗҒИН ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЁТГАНЛИГИНИНГ ГУВОҲИМИЗ. АЁЛ — ХУСУСИЙ ТАДБИРКОР, ЎҚИТУВЧИ, ИШБИЛАРМОН, ШИФОКОР, ТАРБИЯЧИ, МУҲАНДИС, РАҲБАР ВА ҲОКАЗО КАСБЛАРНИ ЭГАЛЛАБ, ЮРТИМИЗ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА ФИДОКОРОНА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДАЛАР. ЭНГ ҚУВОНАРЛИСИ, БУГУНГИ КУНДА АВТОМОБИЛЬ РУЛИНИ БЕМАЛОЛ БОШҚАРАЁТГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРИМИЗ САФИ ОРТИБ БОРМОҚДА.**



Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда шу Фармон асосида Вазирлар Маҳкамасининг қарорида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Республика хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва бир қатор ҳомий ташкилотлар ҳамкорлигида яқинда Алишер Навоий номидаги Миллий боғ майдонида хотин-қизлар ўртасида «Автоолам маликаси-2006» спорт мусобақаси бўлиб ўтди. Ушбу мусобақада республикамизнинг автоҳаваскор аёллари (ёшлари чекланмаган) шахсий ёки хизмат автоуловларида иштирок этдилар. Тадбирда қатнашган аёллар орасида шифокорлар, ўқитувчи,тадбиркор, ишчи,хизматчи, ҳатто уй бекалари ҳам бор эди. Мусобақа шартлари бўйича аёлларнинг асосан йўл ҳаракати қоидалари бўйича (ёзма равишда) билимлари аниқланди.Улар мусобақа шартига биноан тиббий ёрдам кўрсатиш, автоулов насоси ёрдамида пуфаклар шиширириш, автобоулинг, автокамера билан кенглик шаклларини нишонга олиш бўйича маҳоратларини кўрсатдилар, махсус маршрут асосида автоуловда фигурали ҳаракатларни амалга оширдилар. Мусобақа машқларининг бажарилишини ҳакамлар ҳайъати аъзолари кузатиб,муносиб баҳолаб бордилар.

—Мазкур спорт мусобақасини ўтказишдан мақсад,— дейди Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Фарида Акбарова, — хотин-қизларимизни замон билан ҳамнафас бўлишга, мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш, оммавий спорт турларига бўлган қизиқишни ошириш ҳамда оилада фарзандларига автомобиль имкониятларини тушунтириш, ҳаракат хавфсизлигига амал қилишга ўргатиш, миллий автомашиналаримиз имкониятларини тарғиб қилиш ва жаҳон бозоридаги мавқеини юксалтиришдан иборат. Мана шундай спорт мусобақаларининг ташкил этилиши нафақат аёлларнинг саломатликларини асрашга, балки уларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Шу куни «Автоолам маликаси» спорт мусобақаси ғолиблари аниқланиб, ташкилотчилар ва ҳомийлар томонидан турли даражадаги мукофотлар,дипломлар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Шаҳар Тез тиббий ёрдам шифохонаси кўз касалликлари бўлими бошлиғи Зулфия Мақсудова мусобақанинг олий ўрин соҳибаси деб топилиб, «Автоолам маликаси» деган шарафли номга сазовор бўлди ҳамда бош ҳомий «Ўзавтосаноат» компанияси томонидан «Матиз» автомашинаси билан мукофотланди.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТДА: «Автоолам маликаси —2006» спорт мусобақасидан лавҳа.**

**Алексей Попов олган сурат**

*Каратэ*

# ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ШОҲСУПА ТЎРИДА

**МАЪЛУМКИ, РЕСПУБЛИКАМИЗДА ШАРҚ ЯККАКУРАШИНИНГ КАРАТЭ ТУРИ ЙИЛДАН ЙИЛГА РИВОЖЛАНИБ БОРМОҚДА. БАРЧА ВИЛОЯТЛАРДА, ПОЙТАХТИМИЗДА КЎПЛАБ ЁШ ИҚТИДОРЛАР ЕТИШИБ ЧИҚИБ, НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАРДА ЮРТИМИЗ ШАРАФИНИ МУНОСИБ ҲИМОЯ ҚИЛИШМОҚДА.**

Шаҳримиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида уч кун давомида бўлиб ўтган каратэ бўйича Марказий Осиё мамлакатлари очиқ чемпионатининг натижалари ҳам фикримиз далилидир. Учинчи бор ташкил этилган ушбу нуфузли мусобақаларда Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон каби Марказий Осиё мамлакатларининг спортчилари билан бир қаторда, Италия, Россия, Эрон, Малайзия, Қозоғистон, Афғонистон каби давлатларнинг ҳам каратэ усталари ғалаба учун кураш олиб борди. Бир сўз билан айтганда, ката ва кумитэ баҳсларида 1200 нафар каратэчи ўз куч ва маҳоратларини кўрсатди.

Ниҳоят, ғолиб ва совриндорлар аниқланадиган ҳаяжонли лаҳзалар ҳам етиб келди. Умумжамоа ҳисобида юртимиз терма жамоаси ғолибликни қўлга киритган бўлса, қозоғистонлик шарқ яккакураши усталари иккинчи ўринни эгаллашди. Тожикистон каратэчилари учинчи совринли ўриннинг соҳиблари бўлишди.

— Ката, кумитэ беллашувларида пойтахтлик спортчилар кўплаб олтин, кумуш ва бронза нишонларини қўлга киритган ҳолда мамлакатимиз терма жамоаси муваффақиятига ўзларининг катта ҳиссаларини қўшишди, — дейди Тошкент шаҳар каратэ федерацияси раиси Шерали Сулаймонов. —Ишонамизки, келгусида ҳам шаҳримиз каратэчилари нуфузли мусобақаларда катта муваффақиятларга эришиб, юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишади.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТДА: турнирдан лавҳа.**

**Даврон Аҳмедов олган сурат.**




## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИГА ҚАРАШЛИ М.С.ТУРСУНХЎЖАЕВА НОМЛИ ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ**
**2005 ЙИЛ 17,18,19 МАЙ КУНЛАРИ АБИТУРИЕНТЛАР УЧУН**
***«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»НИ ЎТКАЗАДИ***

*Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, «Қорақамиш 2/5мавзеси, Ўразбоев кўчаси, 17-А уй.*
*Автобуслар: 82,87,100,76,85,65,131.*
*Микроавтобуслар: 87,19,120,32,10,35,86,94.*
*Трамвай: 18*
*«77-сонли дорихона», «Қорақамиш комплекс бозори» бекати.*

**ТЕЛЕФОНЛАР: 29-72-14, 29-72-15, 29-72-16, 29-13-94.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ М.С.ТУРСУНХЎЖАЕВА НОМЛИ ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ**
**2006-2007 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича абитуриентларни**
**ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:**

1.Ҳамширалик иши
2.Даволаш иши
3. Ортопедик стоматология

**9-СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА**

I. 9-синф маълумотига эга ўқувчилар учун «Ҳамширалик иши» мутахассислиги бўйича ўқиш муддати—3 йил.
Абитуриентлар 2 фан мажмуаси бўйича махсус синовлардан ўтадилар.
1.Она тили ва адабиёти.
2.Биология.
II.9-синф маълумотига эга ўқувчилар учун «Даволаш иши» мутахассислиги бўйича ўқиш муддати —3 йил.
Абитуриентлар 2 фан мажмуаси бўйича махсус синовлардан ўтадилар.
1.Она тили ва адабиёти
2.Биология
III. 9-синф маълумотига эга ўқувчилар учун «Ортопедик стоматология» (Тиш техниги) мутахассислиги бўйича ўқиш муддати — 3 йил.
Абитуриентлар 2 фан мажмуаси бўйича махсус синовлардан ўтадилар.
1.Она тили ва адабиёти.
2.Биология.

**АБИТУРИЕНТЛАРДАН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ:**

1.Директор номига ариза.
2.Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.
3.086/У шаклидаги тиббий маълумотнома.
4.3х4 ҳажмли 6 та фотосурат.
5.Маҳалладан маълумотнома.
6.Тикмажилд (ҳужжатлар тикилади-скоросшиватель)
7.Хатжилд (конверт)
8.Абитуриент паспортини ёки туғилганлик ҳақида гувоҳнома ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжатни шахсан кўрсатади.

Ҳужжатлар 20 июндан 31 июлгача қабул қилинади.

**БИЗНИНГ МАНЗИЛ:**

Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш 2/5 мавзеси, Ўразбоев кўчаси, 17-А уй.
Телефонларимиз: 29-72-14, 29-72-15, 29-72-16, 29-72-17, 29-13-94.
Транспортлар:
Автобуслар: 82,76,10,100,87,85,65,131
Маршрут автобус: 32,35,120,94,11,87,86,94
Трамвай: 18.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ М.С. ТУРСУНХЎЖАЕВА НОМЛИ ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ**
**2006-2007 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича абитуриентларни**
**ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:**

1.Ҳамширалик иши
2.Даволаш иши
3.Ортопедик стоматология

**11-СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА**

I.11-синф маълумотига эга ўқувчилар учун «Ҳамширалик иши» мутахассислиги бўйича ўқиш муддати 1 йилу 10 ой.
Абитуриентлар 2 фан мажмуаси бўйича махсус синовлардан ўтадилар.
1.Она тили ва адабиёти.
2.Биология.
II. 11-синф маълумотига эга ўқувчилар учун «Даволаш иши» мутахассислиги бўйича ўқиш муддати 2 йилу 6 ой.
Абитуриентлар 2 фан мажмуаси бўйича махсус синовлардан ўтадилар.
1.Она тили ва адабиёти.
2.Биология.
III.11-синф маълумотига эга ўқувчилар учун «Ортопедик стоматология» мутахассислиги бўйича ўқиш муддати 2 йил.
Абитуриентлар 2 фан мажмуаси бўйича махсус синовлардан ўтадилар.
1.Она тили ва адабиёти.
2.Биология.

**АБИТУРИЕНТЛАРДАН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ:**

1.Директор номига ариза.
2.Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.
3.086/У шаклидаги тиббий маълумотнома.
4.3х4 ҳажмли 6 та фотосурат.
5.Маҳалладан маълумотнома.
6.Тикмажилд (ҳужжатлар тикилади-скоросшиватель)
7.Хатжилд (конверт)
8.Абитуриент паспортини ёки туғилганлик ҳақида гувоҳнома ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжатни шахсан кўрсатади.

**БИЗНИНГ МАНЗИЛ:**

Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш 2/5 мавзеси, Ўразбоев кўчаси, 17-А уй.
Телефонларимиз: 29-72-14, 29-72-15, 29-72-16, 29-72-17, 29-13-94.
Транспортлар:
Автобуслар: 82,76,10,100,87,85,65,131.
Маршрут автобус: 32,35,120,117,11,87,86,94.
Трамвай: 18.


*Мунажжим башорати*

# ҚАРЗ ОЛИБ, ҚАРЗ БЕРМАНГ

**16 МАЙ, СЕШАНБА**

**ҚАТОР МУНАЖЖИМЛАР БУГУНГИ КУННИ ҲУШЁРЛИК ВА ЭҲТИЁТКОРЛИК БИЛАН ЎТКАЗИШНИ ТАВСИЯ ЭТИШАДИ. АФТИДАН, БУ ОЙ САЙЁРАСИНИНГ СОАТ 00.16 ДАН 07.00 ГАЧА ЙЎНАЛИШСИЗ ҲОЛАТДА БЎЛИШИ ВА БОШҚА САБАБЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛСА КЕРАК. АВЕСТО ТАҚВИМИ ЭСА, ТАКАББУРЛИКДАН ЎЗИНГИЗНИ АСРАШ ЗАРУРАТИНИ ЭСЛАТАДИ.**

Ўз ўй-фикрларимиз, ғояларимиз бизга тазйиқ ўтказиб, юзага келган вазиятда ўз зараримизга ҳаракат қилишга мажбур этади. Бу касб билан боғлиқ ишларимизга ҳам, шахсий муаммоларимизга ҳам тааллуқлидир. Имкон қадар ножўя бирон хатти-ҳаракатга йўл қўймай, вазиятни ўз ҳолига ташлаб қўйинг. Вазият ойдинлашиши, атрофимиздагилар иродасига бўйсунишга бизни мажбур этадиган сабабларнинг ошкор бўлишини кутинг.

Либослардан яшилликка мойил ранглар омадли ҳисобланади. Қизил, қора ва зарғалдоқранг матолардан тикилган кийимларингизни бугунчалик киймаганингиз маъқул.


МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-706

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3162 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6